Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№245 (2636).
25 ОКТЯБРЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ Х. ПЕРЕС де КУЭЛЬЯРГА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЮБИЛЕЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли Бош секретарь жаноблари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 40 йиллиги муносабати билан Сизни ва БМТ Бош Ассамблеяси юбилей мажлисининг ҳамма қатнашчиларини табриклайман.

Эрксевар халқлар фашизм ва милитаризм устидан ғалаба қозонганлиги натижасида БМТ ташкил топди. БМТ уставининг биринчи сатрларидаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти келажакдаги авлодларни уруш даҳшатларидан халос қилишга, сабр-тоқат билан иш тутиб, яхши қўшнилардек бир-бири билан тинч-тотув яшаш борасидаги қатъиятини эълон қилганлиги тамомила қонуниятлидир.

БМТнинг устави 1945 йил 24 октябрда кучга кирди. Ўша кун БМТ ташкил этилган кун деб ҳам ҳисобланади. БМТнинг устави замон синовига бардош берди ва ташкилотнинг ўзи эса халқаро муносабатлар системасида муҳим омил бўлиб қолди. Бу ташкилот ўтган 40 йил мобайнида инсониятнинг янги жаҳон урушидан халос бўла олганлигига ҳам ҳисса қўшди.

Аммо ҳозирги кунда ана шу давр мобайнида илгари ҳеч қачон бўлмаганидек очиқ-равшан ва дангал шу гапларни айтиш зарур: БМТ уставида қўйилган асосий вазифа ҳали тўлиқ ҳал этилгани йўқ — мустаҳкам тинчлик гарантиялари вужудга келтирилган эмас. Ҳозирги кунда инсониятни ядровий ҳалокат хавфидан қутқариш учун давлатлар ва халқларнинг ҳар қачонгидан кўра кўпроқ биргаликда куч-ғайрат сарф қилишлари талаб этилади.

Амалий жиҳатдан олиб қараганда, бунинг учун аввало ер юзида қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда шундай пойганинг олдини олиш зарур.

Кескинликнинг маҳаллий ўчоқларини йўқ қилиш, ҳар қандай шаклдаги мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш учун ҳам янада зўр бериб ҳаракат қилиш талаб этилади.

БМТнинг кечиктириб бўлмайдиган бошқа кўпгина вазифалари ҳам бор. Бу вазифалар — қуролсизланиш соҳасида реал тадбирларни амалга ошириш йўли билан бунёдкорлик мақсади учун, қолоқлик ва очарчилик, касаллик ва қашшоқликни тугатиш мақсадлари учун ресурсларни бўшатиб беришга кўмаклашишдан иборат. Халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли демократик асосларда қайта қуриш, инсоннинг чинакам ҳуқуқ ва эркинликларини, биринчи навбатда тинч яшаш ҳуқуқини таъминлаш ана шу мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапираётганлигимизнинг боиси шуки, биз ташкилотнинг 40 йиллиги каби воқеа ҳар қанча тантанавор бўлса ҳам, унга аъзо давлатларнинг асосий эътибори БМТнинг фаолиятини янада кўпроқ самарали ва натижали қилишга қаратилиши лозим эканлигига асотойдил аминмиз.

БМТнинг асосчиларидан бири ва Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш Совет Иттифоқи аввалдагидек бундан буён ҳам ана шу жаҳон ташкилотининг ўз уставига қаттиқ риоя қилиш асосида ўзининг юксак бурчини муваффақиятли бажаришига бутун чоралар билан ёрдам бераверади.

М. ГОРБАЧЕВ.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДЎСТОНА ВИЗИТИ

М. С. Горбачев Т. Живков билан суҳбатлашди

Дўстона визит билан Болгария Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Софияда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков билан учрашди.

М. С. Горбачев билан Т. Живков СССР ва БХРнинг социал-иқтисодий ривожланиши, КПСС XXVII съездига ва БКП XIII съездига тайёргарлик соҳасида ўтказилаётган ишлар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет — Болгария ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларини кўриб чиқдилар, халқаро тўқнашувнинг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг муҳим проблемаларини муҳокама қилдилар.

Фикрлашув чоғида Совет—Болгария муносабатлари масалалари, бу муносабатларни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари марказий ўрин олди. КПСС билан БКП, СССР билан БХР ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ва чинакам қардошларча характерга эга бўлиб, ҳамма соҳаларда СССР билан БХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1967 йил 12 май шартномасига тўла мувофиқ равишда ривожланмоқда.

КПСС билан БКПнинг замон синовидан ўтган жанговар иттифоқи, уларнинг марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм мустаҳкам негизига таянувчи сиёсий ва ғоявий бирлиги — Совет—Болгария муносабатларининг ўзагидир. Улар сиёсат, экономика, маданият ва фан соҳасида, ҳарбий соҳада эришилган ҳамкорлик даражасига юксак баҳо бериб, ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ниятини тасдиқладилар.

Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг раҳбарлари Совет — Болгария иқтисодий ҳамкорлиги муттасил ривожланиб бораётганлигини, унинг иккала мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтиришдаги роли чуқур мамнуният билан уқтириб ўтдилар. Совет ва Болгария экономикалари ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда, ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларида хўжалик ва илмий-техникавий кооперациянинг янги формалари жорий этилмоқда. Фан-техника ютуқларини жорий қилишни жадаллаштириш, мамлакатлардан ҳар бирининг ишлаб чиқариш имкониятлари ва ички ресурсларидан ҳам, шунингдек СССР билан Болгариянинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш ва иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш асосида халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг афзалликларидан ҳам имкони борича кўпроқ фойдаланиш муҳимлигига эътибор берилди. СССР билан БХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг шу йил июнида Москвада имзоланган узоқ муддатли программаси шу вазифани бажаришга қаратилган.

Совет Иттифоқи билан Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олий даражадаги иқтисодий кенгашининг қардош мамлакатлар ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга, уларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга, халқаро обрў-эътиборини ўстиришга қаратилган қарорлари турмушга татбиқ этилишига актив кўмаклашаверишлари таъкидланди.

М. С. Горбачев билан Т. Живков Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Софияда бўлиб ўтган кенгаши якунларини ва унда қабул қилинган Баёнотни юксак баҳоладилар.

Империализм, аввало Америка империализми кучларининг активлашуви натижасида дунёдаги вазият жиддий равишда чигаллашган шароитда биргаликда ишлаб чиқилган ҳаракат программасининг амалга оширилиши замонамизнинг бош вазифасини ҳал этишга — ядро урушининг олдини олишга, тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро муносабатларни соғломлаштиришга кўмаклашади. Сиёсий маслаҳат комитетининг София кенгаши қардош давлатлар иттифоқини янада мустаҳкамлашга, уларнинг жаҳон майдонидаги бақамжиҳат ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирги халқаро вазият нақадар кескин бўлмасин, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш сари қатъий бурилишга эришиш, бу пойганинг космик фазога ёйилишига йўл қўймаслик учун имкониятлар бор. Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикасининг халқаро ишлардаги сиёсий иродаси келгуси ҳам социализм манфаатларини ҳимоя қилишга, ядро уруши хавфини инсоният турмушидан соқит қилишга, тинчликни сақлаб қолишга, халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш руҳини қайта тиклашга, сиёсий тузумидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаверади. Ядро қуролидан ҳоли зоналарни, шу жумладан, Болқон ярим оролида ядросиз зонани вужудга келтириш Европадаги сиёсий иқлимни яхшилашга йўлида муҳим қадам бўлур эди.

СССР билан БХР империализмнинг айрим социалистик мамлакатларга қарши, шунингдек, умуман социалистик ҳамдўстликка қарши қўпорувчи ташвиқотчилик кампанияларига бундан буён ҳам қақшатғич зарба бераверишларини қатъий қилиб айтадилар. Социалистик давлатларга зўравонлик билан тазйиқ ўтказиш ва уларнинг ички ишларига аралашиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган нормаларига зид бўлиб тушади ва бу хатти-ҳаракатлар истиқболсиздир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Болгария Коммунистик партиясининг фикрича, ҳозирги халқаро вазиятнинг мураккаб ва хатарли характери, халқаро капиталнинг меҳнаткашлар социал-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларига ҳужумлари коммунистик ва ишчи партияларнинг кенг миқёсдаги актив бақамжиҳат ҳаракатларини, уларнинг халқлар ҳаётий манфаатлари учун, ядровий фалокатнинг олдини олиш учун, Европада ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун курашдаги интернационал бирдамлигини айниқса, зарур қилиб қўймоқда. Иккала партия жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслиги ишига бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашаверадилар. КПСС билан БКП тинчлик ва тараққиёт ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга тайёр бўлган барча партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга бел боғлаганликларини тасдиқладилар.

М. С. Горбачев билан Т. Живковнинг анъанавий қардошларча дўстлик муҳитида ўтган учрашуви КПСС билан БКПнинг, СССР билан БХРнинг фикрлари тўла бирлигини ва позицияларни муштараклигини яна намойиш этди. Суҳбат чоғида эришилган ахдномалар КПСС билан БКП, Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга янги салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлашга, социализм ва тинчлик ишига хизмат қилади.

М. С. Горбачев Т. Живковни расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига боришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

ПАРТИЯНИНГ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Бугунгача 1700 партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 60 минг коммунист қатнашди. Шундан 13 минг нафари сўзга чиқди. 7,5 мингта таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирилди. Ҳозир улар умумлаштириляпти ва ўрганиляпти. Шундан 1100 таси бўйича тадбирлар кўрилди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми партия XXVII съезди арафасида бутун ҳаётимизга янги, қудратли омил бахш этди. У ҳисобот-сайлов йиғилишларида муҳокама этилаётган проблемалар доирасини янада кенгайтирди. Ҳар бир коммунистни партия қарорларини амалга оширишга шахсан қандай ҳисса қўшаётгани ҳақида янада чуқурроқ ўйлаб кўришга даъват этди.

Ҳозир барча ҳисобот-сайлов йиғилишларида коллектив ишлари тўғрисида, ишлаб чиқариш резервлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, иқтисод ва тежамкорлик ишидаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар ҳақида принципиал, конкрет сўз бормоқда. Партияни таъминлаш ана шу мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Ана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида гапираётганлигимизнинг боиси шуки, биз ташкилотнинг 40 йиллиги каби воқеа ҳар қанча тантанавор бўлса ҳам, унга аъзо давлатларнинг асосий эътибори БМТнинг фаолиятини янада кўпроқ самарали ва натижали қилишга қаратилиши лозим эканлигига асотойдил аминмиз.

БМТнинг асосчиларидан бири ва Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш Совет Иттифоқи аввалдагидек бундан буён ҳам ана шу жаҳон ташкилотининг ўз уставига қаттиқ риоя қилиш асосида ўзининг юксак бурчини муваффақиятли бажаришига бутун чоралар билан ёрдам бераверади.

М. ГОРБАЧЕВ.

ЕР КУРРАСИ АЛАНГАЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ!

Ўзбекистон меҳнаткашлари БМТ ва Жаҳон тинчлик кенгашининг қарорига биноан ўтказилаётган қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталигининг биринчи куни — 24 октябрни оммавий митинглар, тинчлик вахталари, намойишлар билан нишонладилар. Улар тинчликка бўлган азму қарорини изҳор қилиб, АҚШ бошчилигидаги милитаристларнинг инсониятни ядро ҳалокати сари судраётган агрессив сиёсатини лаънатламоқдалар.

Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Илғор тикувчи-моторист М. Отахўжаева минбарга чиқади.

— Фашистлар Германиясига қарши жангда йигирма миллион ўғил-қизидан жудо бўлган совет кишилари урушни истамайдилар, — деди у. — Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ўртага қўйган ва қуролсизланиш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлини кўрсатиб берадиган тинчликсеварлик ташаббусларини астойдил маъқуллаймиз. Мен планетадаги барча оналарни фарзандларимиз ва набираларимизни ядро ёнғинидан ҳимоя қилиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этаман.

Бирлашма ишчилари М. Муродова, К. Эшонова, район Советининг депутати А. Жўраева ва сўзга чиққан бошқа кишилар қурол кучи ёрдамида тарихнинг боришини ўзгартиришга уринаётган, Исроилнинг қароқчилик сиёсатини, ЖАР ва Чили фашист режимларини ошкора қўллаб-қувватлаётган вашингтонлик сиёсатдонларнинг бемаъни хатти-ҳаракатларини қаҳр-ғазаб билан қоралаганлар.

Корхона меҳнаткашлари қабул қилинган резолюцияда тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик учун, халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлидаги куч-ғайратлар учун КПСС ва Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар. Совет Иттифоқи, дейилади резолюцияда, ядро хавфини бартараф этиш йўлида адолатли ахдлашувга эришиш учун имкони бўлган барча ишларни қилди, энди гап АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларда қолди.

Чирчиқдаги трансформатор заводининг ишчи ва хизматчилари қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталигини зарбдор вахта билан бошладилар. Кўпгина иш жойларида тинчлик кабутари тасвирланган вимпеллар ўрнатилди — корхонанинг юзлаб ишчилари кунлик иш ҳақини Совет Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Шу куни республиканинг саноат корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида оммавий митинглар ўтказилди. (ЎзТАГ).

ГУЛЛАР ВА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

СОФИЯ, 24 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Болгария Халқ Республикасига дўстона визити бошланди. У БКП Марказий Комитети, БХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан шу мамлакатда меҳмон бўлиб турибди.

Бугун М. С. Горбачев билан Т. Живков В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Фахрий қоровул саф тортиб турди, партия гимни — «Интернационал» ижро этилди.

Совет ва Болгария раҳбарлари Георгий Димитров мавзолейини зиёрат қилдилар. М. С. Горбачев гулчамбар қўйди, гулчамбарнинг қирмизи лентасига: «Болгар халқининг буюк фарзандига, атоқли революционер-интернационалистга, Совет Иттифоқининг содиқ дўстига» деган сўзлар ёзилган эди.

Фахрий қоровул саф тортиб турди. Оркестр СССР ва БХР давлат гимнларини ижро этди.

Болгария пойтахтининг аҳолиси кўчаларда ва майдонларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини самимий, қардошларча олқишладилар. М. С. Горбачев София аҳолисига мурожаат қилиб, уларга, Болгариянинг барча меҳнаткашларига социалистик қурилишда янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Гуллар ва гулчамбарлар қўйиш чоғида БКП Марказий Комитетининг секретари Д. Станишев, БКП Софияшаҳар комитетининг биринчи секретари Г. Георгиев, пойтахт Халқ Кенгаши ижроия комитетининг раиси П. Междуречки ҳозир бўлдилар.

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

СОФИЯ, 24 октябрь. (ТАСС). Бугун М. С. Горбачевнинг Болгария Коммунистик партияси раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, БКП Марказий Комитетининг секретарлари қатнашдилар.

Учрашув чоғида Совет — Болгария муносабатларининг, халқаро вазият ривожининг кўпгина масалалари хусусида гаплашиб олинди. Олий даражада эришилган ахдномаларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган амалий тадбирларга алоҳида эътибор берилди. Бу соҳадаги иш КПСС билан БКП, СССР билан БХР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга, уларнинг халқаро майдондаги бақамжиҳат ҳаракатларига кўмаклашади, деб ишонч изҳор этилди.

Учрашув самимий, ўртоқларча вазиятда, муҳокама этилган ҳамма масалалар хусусидаги фикрларнинг бирлиги руҳида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фалсафа фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, Ўрта Осиё республикалари учун партия ва совет кадрлари тайёрлаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент Олий партия мактаби илмий коммунизм кафедрасининг раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор Кўрғон Бўронович Бўроновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 14

„ОҚ ОЛТИН"— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,51	93,75
Наманган	1,00	91,00
Тошкент	0,75	90,56
Хоразм	0,89	84,50
Андижон	0,47	78,17
Сирдарё	1,22	77,88
Сурхондарё	0,25	77,36
ҚҚАССР	1,24	76,90
Бухоро	0,78	76,47
Навоий	0,98	69,54
Жиззах	1,26	68,63
Самарқанд	1,04	63,32
Қашқадарё	0,86	52,53
Республика бўйича:	0,83	76,86

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАРНИНГ ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, Р. Нуъмонов, Т. Каримовлар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларидан хабар қиладилар.

• 27 октябрь — Автомобиль транспорти ходимлари куни

Автомобилчилар меҳнат вахтасида

Якшанба куни мамлакатимизда автомобиль транспорти ходимларининг байрами нишонланади. Шу муносабат билан «Тошкент оқшоми» мухбири Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармасининг бошлиғи Мансур Маҳмудович АЛИЕВдан автомобилчиларнинг иш ва режалари ҳақида гапириб беришини илтимос қилди.

— Гапни яқин тарихдан бошламоқчиман. Тошкент шаҳрида автобусда йўловчи ташиш 1928—1929 йилларда ташкил этилган эди. Бироқ 1949 йилгача у салмоқли аҳамият касб этмаган эди. Чунки пассажир автотранспортини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ҳали яратилмаган, ишлаб чиқарилган автобуслар эса йўловчиларни оммавий ташишга мосланмаган эди. Тошкент шаҳрида автобусларда оммавий ташиш 1949 йилдан бошланди ҳисоб. Ўша пайтда шаҳарда кўп ўринли «ЗИ—154» автобусларининг дастлабки тури пайдо бўлди ва «ТошМИ — Чўпонота» маршрути бўйлаб ҳаракат йўлга қўйилди.

— Кейинги йилларда шаҳар пассажир автотранспорти жуда ривожланиб кетди. Буни яққол кўриб турибмиз. Автомобилчиларнинг бугунги ишлари ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— «Главташпассавтотранс» составида 11 та автобус парки ва олтита таксопарк бор. Уларда 16 мингдан зиёд киши ишлайди. Улар орасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери — 2-автокомбинат ҳайдовчиси М. Соседов, 2-автобус парки ҳайдовчиси Ю. Шоабдуллаев, 4-автопарк ҳайдовчиси М. Юсупов, Халқлар дўстлиги ордени кавалерлари— 2-автокомбинат ҳайдовчиси Я. Ҳидоятов ва бошқалар бор. 4-автопарк ҳайдовчиси Собиржон Каримжоновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилган.

— Автохўжаликнинг коллективлари қандай ютуқларга эришишяпти.

— Шу йилнинг ўтган даврида бош бошқарма автокорхоналари муайян ишларни амалга оширди. Агар ўтган йилнинг шу даврига таққосласак, тўқиз ой ичида йўловчи ташиш 3,3 процент ошди. Енгил таксилар иш ҳажми 1,7 процент кўпайди. Давлатга ўтган йилга нисбатан 1,1 миллион сўмлик кўп даромад келтирилди.

Бироқ бизда ҳали жиддий нуқсонлар ҳам йўқ эмас.

Биз бу нуқсонларни яхши биламиз ва уларга барҳам бериш учун тегишли чора-тадбирларни кўряпмиз.

— Республикамиз пахтазорларида улкан «оқ олтин» хирмони учун қизғин кураш боряпти. Автокорхоналарнинг ходимлари ҳам унга муносиб ҳисса қўшишга интилишяпти. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент газеталари редакцияси ва «Главташпассавтотранс» нинг пахта далаларида ташкил этган «Матбуот маркази»га автомобилчиларнинг пахтазорлардаги зарбдор меҳнати ҳақида кўплаб хушхабарлар келиб турибди.

— Ҳа, тўғри. «Главташпассавтотранс» автомобиль корхоналарининг вакиллари республиканинг барча меҳнаткашлари қатори пахта йиғим-теримида актив қатнашмоқдалар, ЭПАП ҳайдовчилари «зангори кема»ларда пахта теришяпти. Уларнинг вакилларини оталиқдаги хўжаликларнинг пахтазорларида кўришларингиз мумкин.

Суратларда: «Главташпассавтотранс» нинг 1-автокомбинати ходимлари Ю. Журавлёва ва Х. Нормуродовалар теримда юқори кўрсатгичларга эришишяпти. 1-автокомбинат вакилларидан бир гуруҳи Сирдарё область Оқолтин районидаги Абдалин номли совхоз далаларида «оқ олтин» термоқдалар.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАҚИҚАТ

• Меҳнат зафарларимиз—КПСС XXVII съездига • Шогирд мураббийга тенглашмоқда • Оқшомхонлар нега ранжишди?

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини умумхалқ социалистик мусобақасида янги меҳнат зафарлари, юксак муваффақиятлар билан кутиб олайлик! Зарбдорларча, стахановчасига ишлайлик!

[КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан].



●БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида КПСС XXVII съезди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги шарафига бошланган меҳнат беллашувлари янги муваффақиятларга замин бўлмоқда. Коллективлар иш вақти, техника, илғор тажрибадан самарали фойдаланиш гуфайли ютуқларни бойитишяпти.

Ишчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида 3-йигирув фабрикаси тараш машинасининг оператори М. Оташева, йигирувчилар М. Громцова, С. Идрисова, С. Ғарипова, пилікловчи И. Каримовалар алоҳида намуна кўрсатиб ишлашмоқда. Бу ишлаб чиқариш илғорлари шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб, ҳозир келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлашмоқда.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

ОЛДИНГИ САФДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида Марғуба Исмоилованинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг бонси бор, албатта. Бу меҳнатсевар қиз бирлашманинг 2-тикувчилик цехига 127-ҳунар-техника билим юртини битириб келганда, устози Александра Верғуль ундан чевар чиқишига кўзи етган эди. Ҳозир Марғуба ўз устозидан беҳад миннатдор. Уни доимо эъзозлайди.

— КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган доклади ҳамма қатори мени ҳам бекҳад тўлқинлантирди ва янги зафарларга илҳомлантирди —дейди биз билан суҳбатда Марғуба Исмоилова.— Шу кунларда ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлашга интилаяпмиз. Жонажон Коммунистик партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга аҳд қилганман.

Дарвоқе, сўзи билан иши бир бу чевар тикувчи кўпчиликка намуна бўляпти. Фақат 2-цехдагина эмас, балки бутун бирлашмада ҳам ўзининг яхши ташаббуслари билан танилган. Цех коллективи шу кунларда «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида қизғин меҳнат қилмоқда. Бунда унинг дугоналаридан — КПСС аъзолари Галина Абдуллаева, Нафиса Баротова, Озода Усмонова, Холиса Эминбоева, Шоҳида Мирзаевалар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқдалар. Улар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Маҳсулот сифати учун ҳам астойдил жон куйдирмоқдалар.

КПСС аъзоси М. Исмоилова доимо ёшларга ғамхўр ва меҳрибон. Улардан ўз ғажрибаларини асло аямайди. ВЛКСМ аъзолари Феруза Ҳасанова, Иноят Обидова, Муҳаббат Аҳмедова, Клара Ваҳобовалар шу кунларда «Шогирд мураббийга тенглашсин» шиори остида ишлаб қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Марғуба бригада советининг аъзоси, халқ контроли группаси аъзосидир.

Марғубанинг сингласи Мунира ҳам пешқадам тикувчилардан. У 1978 йилда опаси ишлаётган 2-цехга ишга кирган эди. ВЛКСМ аъзоси Мунира Исмоилова ҳам жамоат ишларида актив. У ҳозир Раиса Назарбоева етакчилик қилаётган бригадада фидокорона меҳнат қиляпти.

Ҳалол, фидокорона меҳнат инсонни эъзозлайди. Унинг обрўсига-обрў қўшади. Буни опа-сингил тикувчилар ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин. Улар ўз бахтларини фидокорона меҳнат туфайли топишди.

Бирлашма партия ташкилотининг секретари С. Саидаҳмедова Марғуба ҳақида шундай деди:

— У бирлашма коллективи ўртасида ўзининг яхши фазилатлари билан танилди. У ўз ишига жиддий ёндошади. Доимо ташаббускорлик кўрсатади. Ҳозир Марғуба 1986 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Цех маъмурияти ва партия ташкилотида ҳам у ҳақда илик сўзларни эшитдик. Сингласи Мунира ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдиришди.

Опа-сингил чеварлар, сизларга бахт ёр бўлаверсин!

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Ўрта Осиё созлаш-ишга туширии бошқармаси коллективи фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ишларига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ускуна ва мосламалар белгиланган муддатда монтаж қилинишш, ишга туширилишини таъминлашда ёш созловчи В. Соколовнинг ҳиссаси катта бўляпти.

СУРАТДА: В. Соколов.
А. Жданов фотоси.

АКС-САДО

«ЗАМОНАВИЙ ЧОЙХОНА»

Мунозарани газетхонлар давом эттиришади

Беш минутлик дилхушлик

ЯҚИНДА биз яшайдиган кўп қаватли уйда нохушлик юз берди. Ишдан кейин уч-тўрт эркак ташқаридаги темир каравотда суҳбатлашиб ўтирган эдик, биринчи қават дераза-си тарақлаб очилди.

— Инсоф борми сизларда ўзи?! —деди хонадон бекаси жаҳли чиқиб, —Рустамжон касалхонада, Сурайёхоннинг кўнглига қил ҳам сиғмаяпти. Сизлар бўлсангиз дераза-си остида ўтириб олиб гап сотаяпсиз.

— Уша Рустамжонни кўриб келдик, — деди кимдир. —Тузалиб қолипти. Шуни гаплашаётган эдик.

— Гаплашишга бошқа жой қуриб қолибдими?

Ошналаримиздан бири ер сузиб деди:

— Шундай-да.

— Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши!

Шу гапдан кейин ҳаммамиз каравотдан туширилиб, квартираларимизга кириб кетдик. Негаки, атроф жазирама, уйнинг соясидаги каравотда суҳбатлашиш ҳақиқатан ҳам одобдан эмасди.

Шунда мен кўп қаватли уйларда яшайдиганлар учун ҳаммани уюштирадиган чойхона кераклигини ҳис этдим. Бу баъзиларда истеҳзо пайдо қилиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Балки чойхонага чиқиш бекорчиларнинг иши дейдиганлар ҳам топилар? Ҳақиқатан ҳам шундайми-кан?

Ҳалқимиз бирон ишни ҳаммавақт аввал кўпчилик билан маслаҳатлашиб, кейин амалга оширган. Мамлакатимиз учун энг қийин бўлган коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши йилларини эслайлик. Одамлар дала ёки ферма юмуши, ўз хонадони ташвишидан қутилгач бирпас кўнгил ёзиш мақсадида «Қизил чойхона»га чиққанлар. Оддийгина ҳол-аҳвол сўрашишдан бошланган гап қўни-қўшнининг турмуш-тармушидан то халқаро аҳволгача бориб тақалган.

Баъзиларнинг ҳозир чойхоналарнинг ҳаётимиздаги аҳамияти камайди, дейишларига асос борми? Бир қарашда бордек туюлади. Негаки қайси район, қайси бақувват хўжаликка борманг, маданият саройи, ҳашаматли клубга кўзингиз тушади. Кинофильм кўрасизми, лекция ёки суҳбат эшитасизми, ҳатто рақсга тушасизми, марҳамат. Тағин ўтказиладиган тадбирлар уч-тўрт кун авval катта-катта афишаларга ёзиб қўйилади. Фақат вақт топсангиз бас.

Ҳа, ҳамма гап вақт топишда... Чойхона эса шундоқ йўлингиз устида. Ишдан қайтаётиб чойхўрлик қилаётган танишингизни учратасиз-да, ҳол-аҳвол сўраш мақсадида ичкарига кирасиз.

Қолаверса, бирон қашшар, тўй ёки маъракa ўтказиш режаси баъзиларимиз фақат чой ичиладиган жой деб тушунадиган чойхонада бамаслаҳат пишитилади. Зеро, буларнинг ҳаммаси одамларни бир-бирига меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда маълум бир роль ўйнайди.

«Замонавий чойхона» мақоласида жуда тўғри таъкидланганидек, кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларда чойхона анқонинг уруғи бўлиб қолди. Юзаки олиб қараганда квартираларимизда яхши яшаш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Оппоқ кафелли ванна хонадан тортиб, дераза-лардаги қуёш тиғидан бизни ҳимоя қилувчи жиҳозларгача бор. Бироқ бу квартираларда одамзот учун ҳамма вақт керак бўладиган бир нарса — жонли мулоқот учун шароит камдек. Ахир тарихнинг не-не синовидан ўтган, ота-боболаримиз васиятидек эшитиладиган «Одамнинг тафтини одам олади», «Балиқ сув билан, одам одам билан тирик» каби нақллар бекорга айтилмаган.

Ҳозир ҳамма жойда ичкиликбозликка қарши курашилаётган бир пайтда чойхоналар ишига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Чойхона ўз номига монанд бўлиши, асло майхонага айланмаслиги, одамларнинг жонли мулоқотига хизмат қилиши лозим.

Кейинги йилларда Тошкентдек азим шаҳарда кўплаб кафе-чойхоналар қурилди. Ана шулардан бири Чилонзор райони чегарасида Ҳалқа йўл бўйидаги баҳаво жойдаги «Дўстлик» кафе-чойхонасидир, у фақат овқатланиш жойи эмас, маълум даражада ҳордиқ чиқарадиган маскан ҳамдир. Атроф дарахтзор, гулзорларда фавворалар кўкка сапчиб ётибди. Ёғоч каравотларга кўрпачалар ташланган. Катта самоварлар шақирлаб қайнаб ётибди. Лекин афсуски, кеч соат етти бўлмасдан бу ернинг эгалари чойнак-пиёлани йиғиштира бошлашади. Ҳолбуки, ҳудди шу пайтда айниқса ёз кунлари одамлар бир пиёла чой устида суҳбатлашгилари, ҳордиқ чиқаргилари келади. Бизнингча, катта маблағлар эвазига қурилган кафелар чойхонасининг иш вақтини чўзиш керак.

Албатта, чойхонанинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан унинг эгасига боғлиқ, ҳушмуомалалик, нозик дидлик унга қўйиладиган муҳим талаблар бўлиши керак. Чойхонада шахмат-шашка, домино каби одамларни қизиқтирувчи ўйинлар учун шароит яратиш лозим. Афсуски, кўпчилик жойларда бемаза чойдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Атрофнинг кўриниши ҳам дилингизни хира қилади. Шунинг учун районлардаги умумий овқатланиш корхоналари чойхоналарда юксак хизмат маданияти кўрсатилиши бўйича мусобақа ўтказиб туришса кўнгилдагидек бўлар эди.

Кўп қаватли уйлар қуришни лойиҳалаётган мутахассислар чойхона қурилишини ҳам муҳим маданий-маиший объектлар қаторига киритишлари керак. Тезкор дамримиз, турмуш тарзимиз шундай қилишни тақозо этмоқда.

Кун бўйи ишдан толиқиб, уйга қайтар экансиз, кўча юзидаги чойхонада ўтирган қўшнингизнинг «Қани оғайни, бирпас дам олинг» деб қўлингизга буғи чиқиб турган бир пиёла қайноқ чой узатиши кўнглингизни қанчалик ёзади. Беш минутлик дилкашликдан ўзингизни енгил ҳис этасиз. Чой эса меҳр-оқибатни қарор топтириш, маҳалладаги, юртдаги катта-катта ишларни амалга оширишда бир баҳонадир, холос.

Мен бировнинг дераза-си остидаги каравотдан қайтиб келгач, ўз хонамда ана шулар ҳақида ўйладим.

А. ХАТАМОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

• Истеъмол буюмларига кенг йўл

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида яқинда тайёрланган буюмнинг намуна нусхасини ташқарига қўйишга тўғри келди. Уни цехга жойлаштириб бўлмас эди. Халқ истеъмол буюмлари бюросининг бошлиғи Анатолий Иванович Ярцев унга шундай характеристика берди: «Биз уни «Гарант» деб номладик. У енгил автомобилларни сақлашга мўлжалланган йиғма гараждир».

Буюмни яратиш ғояси бирдан туғилиб қолди. «За рулём» журнали очиқ гаражлар тўғрисида ёзган эди. Лекин унда гаражларнинг чизмалари, уларнинг тайёрланишига характеристика берилмаган эди. Тортишув ва ўзаро фикр алмашишлардан сўнг гаражни тайёрлашга аҳд қилишди. Унинг асосий қисми металлдан, устига брезент тортилади. Гаражнинг қулайлиги шундаки, енгил, тез йиғилади. Уни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ҳам осон.

Лойиҳачилар истеъмолчиларнинг фикрини ҳисобга олиш учун жуда кўп ташкилотларнинг вакиллари билан суҳбатлашишди. Умумий ишга очиқ автомобиль гаражларининг маъмуриятлари ҳам ҳисса қўшдилар. Ана шундан кейин буюмни тайёрлашга киришилди. Унинг нархи ҳам қиммат эмас. Тахминан икки юз сўмга тенг.

Бирлашмада халқ истеъмол моллари тайёрлаш бўйича катта тажриба тўпланган. Пластмасса челак, тоғоралар харидорлар томонидан анчадан буён иштиёқ билан сотиб олиняпти. Бир неча хил бошқа буюмлар ҳам савдо ташкилотларига етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотларни тайёрдаш билан аввал турли цех ва участкалар шуғулланар эди. Кейинги пайтда халқ истеъмол буюмларига эътибор кучайиши билан бу соҳада ҳам ўзгариш юз берди. Бунинг устига буюртмачи ва савдо ташкилотлари ҳам талабчан бўлиб қолдилар. Жумладан магазинларда андава кўпайиб кетганлиги учун «Узхозторг» уларни ишлаб чиқаришни тўхтатишни талаб қилди. Бунинг устига харидорлар ҳам буюмларнинг сифатига эътибор билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Буларнинг ҳаммаси ташкилий ўзгаришларни талаб этарди. Ўтган йили А. Ярцев раҳбарлигида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бюро ташкил этилди.

Энди пластмасса буюмлари тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Полиэтилен ва полипропилендан рўзғор буюмлари тайёрлайдиган махсус участка ташкил этилди. Бу участкада ҳозир иккита автомат тўла қувват билан ишламоқда. Унинг чиқиндиси эса монтаж қилинаяпти.

Янги буюмларнинг лойиҳалари авваллари «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланар эди. Ҳозир эса улар бевосита заводнинг ўзида тайёрланмоқда. Харидорларнинг эҳтиёжи тез ўзгариб бораётган шу кунларда бу ниҳоятда муҳимдир. Келгуси йили участкада полиэтилен ва полипропилендан янги маҳсулотлар тайёрлашда ёрдам берадиган ускуналар ўрнатилади. Шу йилнинг тўртинчи кварталида дон маҳсулотларини сақловчи пластмасса буюмларининг намуналарини тайёрлаш ўзлаштирилади. Улар чиройлилиги, пишиқлиги билан ажралиб туради.

Янги участкада янги техникалар ўрнатилди. Хўжалик юритиш услуби ҳам ўзгарди. Тўғри, биринчи уриниш яхши чиқмади. Буюмларнинг бир неча намуна нусхалари брак чиқди. Бу нарса технологияда ҳисобга олинган. Лекин ана шу чиқитларни қаерга қўйиш керак. Корхона ана шу савол билан бир неча корхоналарга мурожаат қилиб, чиқитларни қайта ишлашга ёрдам берадиган мосламалар тайёрлаб беришни илтимос қилди. Лекин бирорта ҳам ташкилотдан маъқулланган жавоб олмади. Шундан сўнг корхона инженерлари енг шимариб ўзлари ишга киришдилар. Ёш мутахассис Владимир Глозман янги техниканинг чизмасини тайёрлади. Уни ҳаётга жорий қила бошлади. Унга бир ярим ой вақт кетди. Орадан яна бир ой ўтганидан кейин машина асбобсозлик цехига ўрнатилди. Йиғилиб қолган саноат чиқитларидан буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Яқинда эълон қилинган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг Комплекс Программасида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ҳар томонлама яхшилаш вазифаси қўйилган. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг охирига қадар яна 620 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.1986 йилда эса 670 минг сўмлик турли халқ истеъмол моллари тайёрланади. Хуллас корхона аҳоли учун зарур бўлган буюмлар тайёрлашни кўпайтириш йўлидан бормоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

• Пойтахт қурилишларида

АНЪАНАГА БИНОАН

Байрамолди кунларида кўплаб ҳамшаҳарларимизга янги квартираларнинг калитларини топшириш ажойиб анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳам Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг уйсозлари кўплаб янги уйларни фойдаланишга топшириш арафасида турибдилар.

Улуғ Октябрнинг 68 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармаси ихтиёридаги Вадим Мазуров ва Валерий Кролевц бошлиқ комплекслашган бригадалар шараф билан уддаладилар. Биринчи бригада Юнусобод массивининг СБ-2 кварталида тўрт қаватли 56 квартирали 11-номерли ва Содиқов ҳамда Ярославский кўчалари чорраҳасида эса тўрт қаватли 32 квартирали 5-номерли ғиштин уйларни яхши сифат билан фойдаланишга топширди.

В. Кролевц етакчилигидаги 30 нафар қурувчидан иборат коллектив эса Тошкент экскаватор заводи ишчи ва хизматчиларн учун тўрт қаватли 16 квартирали уйни фойдаланишга топшириш арафасида турибдилар. Бу объект корхона яқинида бунёд этилаётган турар жой микрорайонида қад кўтармоқда. Ҳадемай бу уйни қурувчилар экскаваторчиларга тақдим этадилар.

Юнусобод массивн тобора кенгайиб боряпти. Бу ерда уйсозлар йилдан-йилга янгидан-янги уйларни қуриб бермоқдалар. Шуннси диққатга сазоворки, янги сериядаги, такомиллаштирилган, замонавий уйлар ҳамшаҳарларимизга ғоят маъқул бўлмоқда. Бу ерда асосан беш қаватли ва тўққиз қаватли уйлар қад кўтармоқда. Яқинда массивнинг 19-кварталида яна бир беш қаватли уй фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу уйда ҳамшаҳарларимиз уй тўйлари ўтказмоқдалар.

СУРАТДА: фойдаланишга топширилган янги уй.

ФОТОАХБОРОТ

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗАДИГАН 28-БОЛЬШЕВИК САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ОКРУГ САЙЛОВ ҚОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24 ва 26-моддалари асосида қарор қилади:

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сайлов ўтказадиган 28-Большевик сайлов округи бўйича округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:

Округ сайлов комиссиясининг раиси — АҲМАДАЛИЕВА Шоира Собировна, бош директор — тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Мемишев** Амет Мемишевич, ўқитувчи— 40-ўрта мактаб ходимлари коллективидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — **Михайлова** Галина Георгиевна, бош врач ўринбосари — санитария-эпидемиология станцияси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси аъзолари:

Азизова Зуҳра Абдушукуровна, созловчи — 10-босмахона бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Абдулина Асия Шамсутдиновна, катта ўқитувчи — Тошкент политехника институти бошланғич партия ташкилотидан.

Аъзамхўжаев Ғуломхўжа Азларович, бўёқчи — В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Сотиволдиева Зуҳра Хатамовна, оператор — В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени бошланғич комсомол ташкилотидан.

Суярова Ҳамида Даутовна, катта сотувчи — «Болалар дунёси» фирмаси бошланғич комсомол ташкилотидан.

Якимчук Петр Алексеевич монтажчилар бригадири — 1-қурилиш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Ш. МИРСАИДОВ.**

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари **В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.**

Надежда Башкирова мана ўн тўрт йилдирки, Тошкент химия-фармацевтика заводида меҳнат қилиб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган бу пешқадам барчага ўрнак бўлмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ҚАНИ?

Куйбишев районидаги Муртазоев кўчасида қурилган тўққиз қаватли турар жой биносига аҳоли ўтган йили декабрь ойида кўчиб кирди. Аммо кўчанинг астрономия институтидан магазин оралиғидаги сув шохобчасининг бузилган ери шундайлигича қолиб кетди. Бино билан гастроном оралиғидаги ариқ умуман йўқ бўлиб кетган. Маҳалладан чиқадиган сув кўча бўйлаб оқмоқда. Бу автомобиль ва йўловчиларга ноқулайлик туғдирмоқда. Ҳудди шу сув оқадиган ерда 89-маршрутли автобус бекати бор. Бекат номи бўлгани билан бу ерда тупроқ уюмидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Шу кўчадаги камчиликларга барҳам беришни Куйбишев район обод-донлаштириш бошқармасидагилар ҳаёлларига ҳам келтиришмаётир.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

• Луқма

ЛАМПА ШИША

Кунлардан бир куни одамлар қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлишибди. Қоронғи кўчада кўзи ожиз бир киши қўлида чарақлаб ёниб турган лампа чироқни кўтариб кетаётган эмиш.

— Ие, ўзи кўр бўлса унга чироқнинг нима кераги бор, — дебди йўловчилардан бири чироқ кўтариб кетаётганга эшитадиган қилиб.

— Менку бир амал қилиб йўлимни топиб оларман, лекин қоронғида сизлар менга туртиниб кетманглар деб лампа чироқ кўтариб юрибман, —деган экан ўша эҳтиёткор одам.

Хойнахой илгари шундай бўлган, ҳозир лампа шиша кўтариб юрадиган қоронғи кўчалар бўлмаса керак, дерсиз. Адашасиз, бор экан. Бунга Акмал Икромов район Сакконий кўча 5-проезд, 1, 2, 3-тупикларда яшовчилар йўллаган хат мисол бўла олади.

Бундан икки йил муқаддам, — дейилади ушбу хатда, — маҳалла активлари Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Н. Ғаниевга мурожаат қилиб, кўчаларига электр ўтказиб беришни сўрашди. Бошқарма бошлиғи бу ишни шаҳар электр тармоқлари корхонаси мутасаддиларининг қулоғига «етказди». Ўз навбатида у ердан кишилар келиб маҳалла кўчаларини айланишди, бор-йўғи 40 та симёғоч кетади, электр нурини янги қурилган мактабдан олиб берамиз, лекин бунга лойиҳа керак, ўзимиз район электр тармоқлари тармоғининг бошлиғи Холдоровга буюрамиз, ҳаммасига бош-қош бўлади, деб ваъда беришди. Биз бу ваъдага ишонгандик. Лекин «қуруқ ваъда қулоққа ёқмас» экан: район электр тармоғи бошлиғи ҳалигача ваъда беришдан нарига ўтмайди.

Агарда район ободонлаштириш бошқармаси ва шаҳар электр тармоқлари корхонасидаги мутасадди раҳбарларнинг шароит билан танишиши учун кундуз куни вақтлари бўлмаса кечқурун келаверишсин. Аҳоли ярим кечада бўлса ҳам уларни лампа чироқ ва шам тутиб тантанали кутиб олишга тайёр!

Р. НУРИЛЛАЕВ.

● Сафар таассуротлари

МАҚСАДИМИЗ— ТИНЧЛИК

Яқинда бир гуруҳ ўзбекистонликлар Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтишди. Улар Тошкент билан биродарлашган шаҳар Сиэтлда бўлишди. Ушбу делегация составида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, таниқли шоир Абдулла Орипов ҳам бор эди. Қуйида Абдулла Ориповнинг Америка таассуротларини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

— Жаҳон шаҳарларининг бир-бирлари билан биродарлашуви тинчлик ва тараққиёт ишига катта ҳисса бўлиб қўшилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, бизнинг жонажон шаҳримиз Тошкент ҳам Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳри билан биродарлашган. Шу йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри делегацияси сиэтлликларга меҳмон бўлиб борди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов бошчилигидаги делегацияда турли касб-кор эгаларидан иборат 20 дан ортиқ киши бор эди. Булардан бири арбоб, бири шифокор, бири ишчи, бири санъаткор, бири ошпаз, яна бири эса олим. Камина ҳам ушбу дўстлар билан сафардош бўлиш шарафига муяссар бўлди.

Биз Америка Қўшма Штатларининг уч катта шаҳрида — Лос-Анжелес, Сан-Франциско ҳамда Сиэтлда бўлдик. Кўпдан-кўп америкаликлар билан учрашдик, суҳбатлар уюштирдик. Айни вақтда америкалик мезбонларимизга бугунги ўзбек санъатининг ютуқларини намойиш этдик. Хушовоз ўзбек хонандаси Шерали Жўраев ижросидаги қўшиқларни америкаликлар катта қизиқиш билан тингладилар. Ошпазларимиз атайлаб тайёрлаган ўзбек паловини хуш кўриб тановул қилдилар.

Биз кўпгина оддий америкаликларнинг хонадонларида бўлдик. Хуллас айтадиган бўлсам хотираларим жуда мўл, таассуротларим ранг-баранг. Лекин, мен шу ўринда ҳурматли газетхонларни бир масалага жалб этмоқчиман. У ҳам бўлса — тинчлик муаммосидир. Маълумки, жаҳонда тинчликнинг тақдири кўп жиҳатдан икки буюк ядро қуролига эга бўлган мамлакат — СССР ва АҚШнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқдир.

Бизнинг мамлакатимизнинг бу борадаги позициясини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев ўз нутқларида, турли давлат арбоблари билан учрашувларида, журналистлар билан суҳбатларида очиқ-ойдин баён қилиб келмоқда.

АҚШ давлат маъмуриятининг тинчликни сақлаш масаласига ўзича ёндошаётганлиги ҳам жаҳон афкор оммасига маълум. Шу ўринда мен оддий америкаликларнинг она-сайёрамизда тинчлик сақланишидан нечоғлик манфаатдор эканлигини, уларнинг бу соҳадаги саъйи-ҳаракатларини ўз кўзим билан кузатганимни катта қониқиш билан эслаб ўтмоқчиман. Биргина мисол: мен Сан-Франциско ёнидаги кичик бир шаҳарчада оддий бир китоб сотувчи америкаликнинг хонадонида меҳмон бўлдим. Бу аёл кишиқ менга яқиндагина ўз шаҳарчасини ядросиз зона деб эълон қилганликларини ва бу ташаббусни бутун Қўшма Штатларга ёймоқчи эканликларини собит масъулият билан сўзлаб берди. Р. Рейганнинг уруш очиҳига йўл қўймаймиз, деди у. Ёҳуд ўзга бир учрашувда уч-тўрт бизнесмен тасодифан биз билан танишгач: сиз, совет кишилари бизнинг мамлакатга меҳмон бўлиб келибсиз, демак, совуқ урушнинг нафаси қирқилаётган экан-да, — деб қўйдилар. Мен бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин. Лекин, айни бир пайтда осмонўпар биноларнинг қайси бир деразасидан қуролланиш туфайли бойлик орттираётган банкирнинг қаерда, қачон уруш олови чақнар экан дея қараб турганн ҳали ҳеч кимга сир эмас.

Оддий америкаликлар ноябрь ойида Женева шаҳрида М. С. Горбачев ва АҚШ президенти Р. Рейган учрашувларидан кўп нарса кутмоқдалар. Бизнинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафаримиз ҳам мана шу учрашув олдидан халқларимизнинг бир-бирини тушунишида маълум ҳисса қўша олувчи миссия бўлади деб ҳисоблайман.

Суҳбатни Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ ёзиб олди.

«Адабиёт атомдан кучли. Лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», деган эди атоқли ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор. Унинг бетакрор асарлари қаторида адабиёт ҳақида жонкуярлик билан битган мақолалари ҳам севиб ўқиб келинади. Биз бугун адибнинг ана шундай мақолаларидан бирини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

● УСТОЗЛАР КАЛОМИ

Абдулла ҚАҲҲОР

ИЛҲОМ ТЎЛА ИЖОД УЧУН*

Қуёш, ҳаво, ер, сув барча жонивор ва кўкатларга озуқа берганидек, халқ ҳаёти ёзувчига илҳом беради. Ёзувчи қанчалик истеъдодли, унинг қалам тутган қўли қанчалик тажрибали бўлса, халқ ундан шунчалик чуқурроқ миннатдор бўлади, унинг ижодини, умуман, адабиётни шунчалик чуқурроқ ҳурмат қилади.

Ёзувчининг вазифаси гўзаллик яратишдир. Бу нарса ҳаётни қалб кўзи билан кўрган, илҳомланган ёзувчигагина муяссар бўлади. Ҳар қандоқ ёзувчи учун ҳам маҳоратнинг ибтидоси илҳомдир.

Соч-соқоли оппоқ чол армиядан қайтган йигитга билим олиш яхши нарса эканини тушунтириб, ниҳоят, уни ўқигани рози қилганлиги тасвирланган асар, яна «шеърий роман»нинг бизнинг кунларда пайдо бўлиши, албатта, кулгили бир ҳол. Республикамизда қирққа яқин олий ўқув юрти бўлса, ҳар кузда илм талаб ёшлардан бир ўринга ўнлаб ариза тушса... Ёзувчи бу ҳолга қайси кўз билан қарагану, «шеърий роман» ёзгани унга нима илҳом берган, деб ўйлайсиз!

Чинакам бадиий адабиётни илҳомсиз яратиб бўлмайди. Буни ҳамма билади, лекин бу ҳақиқатни қанчалик кўп эслатилса, шунчалик яхши.

Бизда ҳиссиз ёзилган, нуқул ақл сотадиган, китобхонни адабиётдан бездирадиган совуқ китоблар оз эмас. Бу хилдаги китоблар китобхонга бир нима бериш ўрнига ўз авторининг шармандасини чиқаради: модомики, ёзувчи воқеликдан илҳом олмаган экан, модомики, воқеаларнинг моҳиятини, одамларнинг дилини англамаган экан, бу ҳол унинг ҳаётга лоқайд қараганини, ички дарддан маҳрум, бефаросат ва шапкўр эканини кўрсатади. Ёзувчи китобни илҳом ўти билан аланга олдирмаса, китобхоннинг қалбига ўт ёқолмайди.

Китоб китобхоннинг қалбида эзгуликка оташин муҳаббат, қабоҳатга омонсиз нафрат уйғотмаса, ўқувчини мафтун қиладиган фазилатдан маҳрум бўлади.

Масалан, мана шундай ҳикоя ёзган ёзувчига нима илҳом берди экан: онгли пахтакор чол ўғлига ғўзани суғориб қўйишни буюради. Онгсиз ўғил кинога кетади, ғўзани сув босади. Чол ўғлини ўтқазиб қўйиб, агротехникадан лекция ўқийди. Шу билан ёзувчи китобхонга агротехникадан таълим беради.

Яна бир ҳикоя: қаттиқ жанг пайтида бир ўлимдан қолган танкист жангдан кейин танкдан чиқа солиб ёрига хат ёзади: «Комсомол мажлисида мени танқид қилганингни эсингдами! Ўшанда мен сенинг танқидингни нотўғри тушунган эканман, мени кечир».

Заруратсиз, ички дардсиз, эҳтироссиз ёзилган асар ўлик бўлади. Бундоқ асарга ҳеч қанақа ғоя, муҳим мавзу жон киргизолмайди.

Китобларимизнинг мазмундор бўлиши ҳақида кўп ўйлаб, яхши иш қилаётибмиз, лекин ўқиб бўлмайдиган, китобхоннинг нафасини қайтарадиган китобларнинг мазмунидан фойда йўқ эканини баъзан унутиб қўйганимиз чакки бўляпти. Бу ҳол китобхонни бемаза олди-қочди китобларга ошна қилиб қўяди. Китобларимизнинг ўқишли бўлиши жиддий эътибор талаб қиладиган масаладир. Китоб мазмундор бўлса, ўқишли бўлиши шарт эмас, дейдиган ёзувчи — ё адабиётнинг ролини тушунмайди, ёки ўқишли китоб ёзиш қўлидан келмайди.

Рус ва жаҳон адабиёти классикларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган! Буларнинг дунёни забт қилганларига бирдан-бир сабаб — китобларининг ўқишли бўлганлиги эмасми!

Китобнинг шавқ билан ўқилиши унинг латофатларидан биридир. Албатта, гўзаллик ҳам ҳар хил бўлади: кечаси қоп-қора осмонда оловли из қолдириб учган юлдуз ҳам гўзал, кундузи гулдан-гулга қўниб юрган капалак ҳам гўзал. Учган юлдузнинг гўзаллиги бир лаҳзалик — бебаҳо гўзаллик, гулдан гулга ҳаёт ташиб юрган капалакнинг гўзаллиги абадий гўзалликдир. Биз абадий гўзаллик яратишга ҳаракат қилишимиз керак.

Бунинг учун воқеликни чуқур ўрганиш, ундан илҳомланишдан ташқари маҳорат ҳам керак: сюжетни ярата билиш, композициянинг жўн ва чиройли, портретнинг психологик нозик ва яққол чиқишига эришиш, тилни яхши билиш зарур.

Ёзувчи маҳоратини ошириш керак деймизу, бу масалани диққат марказига қўймаймиз. Марказий журналлар бу ҳақда онда-сонда гапиради-ю, лекин республика матбуоти бу ҳақда чандон жон куйдирмайди.

Яроқсизлиги кўриниб турган асарларни танқидчилар ҳимоя қилишидек иллатга барҳам бериш вақти етди. Баъзи бир танқидчиларга китоб муҳим мавзуни кўтарса бас. Бу хилдаги танқидчилар мавзу деб, китобхонни эсдан чиқариб қўйишади, ёзувчи китобхонни ҳурмат қилиши керак эканига эътибор қилишмайди. Менимча, танқид аввалбоши китоб китобхонга манзур бўлдими, манзур бўлса, нимаси манзур бўлди-ю, манзур бўлмаса нимаси манзур бўлмади — мана шунга қизиқиши керак. Бу нарса танқидчиларга шакл ва мундарижа тўғрисидаги назарий, масалани амалда яхшироқ ҳал қилишга ёрдам беради.

Одамларни, хусусан, ёшларни тарбиялашда бизнинг зиммамизга жуда катта вазифалар юкланган. Бу вазифаларни бажариш учун ҳаётни пишиқ ўрганишимиз, гўзалликка мафтун бўлишимиз, китобхонни мафтун қиладиган асарлар яратишимиз, бунинг учун илҳом тўла ижод қилишимиз керак.

*)Мақола айрим қисқартиришлар билан босилмоқда.

● КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

НОШИРЛАР ТУҲФАСИ

Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди арафасида қуйидаги янги китобларни босмадан чиқарди:

◆ **«Адабий портретлар»** номли тўплам қатор адабиётшунос олимлар қаламига мансуб бўлиб, унда адабиётимизнинг турли жанрларида қалам тебратаётган, шу соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган адибларимиз: Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шоислом Шомуҳамедов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидовларнинг ижодига хос хусусиятлар, уларнинг асарларидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги фикрлари очиб берилган.

◆ Жиззахлик ёш шоира Фароғат Камолованинг шеърларида самимий изоҳлар, тенгқур дугоналарнинг юрак кечинмалари, табиатнинг гўзаллиги, саховати ҳақидаги фикрлари ҳаётий ёритиб берилган. Шоира шеъриятнинг оғир машаққатли руҳий жабҳаларида кўпдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Бу меҳнатнинг самараси унинг **«Осмон парчаси»** номли тўпламига кирган шеърларида ўз аксини топган.

◆ Таниқли қозоқ шоири, Абай номли Қозоғистон ССР Давлат мукофоти ҳамда Қозоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Туманбой Мулдағалиев юрак-юраги билан қозоқ ери, қозоқ элига мафтун, шу билан бирга, қардошлик, тинчлик, инсонпарварлик ғояларига камарбаста шоирдир.

Дўстлик кутубхонаси сериясидан чоп этилган **«Йигирма бешинчи баҳор»** номли китобга шоирнинг энг сара шеърлари ва **«Отам билан суҳбат»** достони киритилган.

Шеърларни ўзбек тилига шоирлар Отаёр, Тўлан Низом, Раззоқ Абдурашидовлар таржима қилишган.

С. АЗИМОВА.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Ёшлик» журналининг ижодий коллективи билан учрашув бўлди. Учрашувда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ўлмас Умарбеков, профессор О. Шарафутдинов, журнал бош редактори О. Матжон ва бошқалар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар журналнинг ташкил топишидан то шу кунги фаолияти ва келажаги, 1986 йилдан бошлаб журнални ёшлар ҳаёти билан бойитиш, «Тўйингиз қандай ўтишини истайсиз» каби анкеталар тарқатиш, «Бўш вақтлар ҳақида», «Шогирдлар саломи», «Аруз сабоқлари» каби янги рубрикалар очиш мўлжаллаганлигини айтишди.

Ёш шоирлар Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Мирза Кенжабоев, Шавкат Раҳмон, Анвар Обиджон, Зулфия Мўминова, Шукур Қурбонов, Аъзам Худойбердиев, Ҳабиб Саъдулла, Севара Тўлагановалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди.

М. МАЪҚУЛОВА.

КИТОБХОН МУЛОҲАЗАЛАРИ

ЧОРРАҲАДАГИ ТАҚДИРЛАР

Асқад Мухторнинг навбатдаги — «Чорраҳа» романи* да Афғонистон тупроғида рўй бераётган катта ҳам мураккаб социал-иқтисодий ўзгаришлар, Саври инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш йўлидаги кураш кўтаринки-публицистик руҳида бадиий тадқиқ этилади. Унда Шарқ деҳқонининг ер ва сув ҳақидаги асрий орзу-армонлари, интилишлари воқеалар силсиласини бирлаштирувчи ўққа айлантирилган.

Совет мутахассиси Собир Тўхтабоев афғон ерларига Аму сувини чиқариш учун заҳмат чекиб юраркан, мамлакат ижтимоий ҳаётида кескин ўзгариш рўй беради. Сув муаммоси ўз-ўзидан катта ижтимоий характер касб этади. Собир ўз ҳаммаслаклари билан биргаликда ирригация иншоотлари қуриш лойиҳаларида кўзда тутилмаган қийинчиликларга дуч келади. Асрлар давомида оддий меҳнаткаш халқ онгига зўр бериб сингдирилган зулмбардорлик, ноҳақликка, сиёсий адолатсизликка, муҳтожликка кўникиш психологияси юзага қалқиб чиқади. Қурилиш ташкилотчилари қўриқ ерларни ўзлаштириш баробарида халқ онги, туриш-турмушидаги ана шундай қўриқларни тугатиш учун ҳам кураш олиб борадилар. Ёқубхон каби халқ душманларининг, Лаъл Маҳдий сингари чет эл разведкаси агентларининг аралашуви бу курашни янада мураккаблаштиради.

Романнинг композицион қурилиши қатламдор, сюжет линияси сертармоқдир. Воқеалар кўлами даврий, ҳам географик жиҳатдан кенг масштабли. Адиб бугунги кун воқелигининг мазмун-моҳияти, келажагини кўрсатиш мақсадида ўрни-ўрни билан яқин ҳам узоқ ўтмиш воқеаларига, тарихий фактларга мурожаат қилади. Ўтмиш, бугун, келажак ўртасидаги умумий нуқталарни санъаткорона илғаб, уларга алоҳида урғу беради. Шу жиҳатдан Сардорнинг бутун афғон халқи дил сўзлари битилган мактубни олиб, ёш совет давлатидан, Лениндан мадад сўраб келиши факти ғоятда қимматлидир.

Романда ўз ирода йўналиши, мақсад ва интилишларига эга, ёши, касб-кори, дунёқараши, биографияси турлича бўлган ўнлаб образлар қиёфаси тиниқ бўёқларда гавдалантирилган. Сардор, Собир, Ғуломали, Суҳайл, Аврангзеб, Зулайҳо, Шоиста, Лаъл Маҳдий образлари анча чуқур ишланганидан ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдаланадилар. Образ тирик инсон каби таассурот қолдирдими, ўқувчи хотирасида муҳрландими, бас, энди у яшай бошлайди, бундай қаҳрамоннинг умри узоқ бўлади...

Асқад Мухтор қаҳрамонлари интеллектуал дунёси бой, ҳаракат кўлами ғоятда кенг, умумбашарий миқёсларда фикрловчи, умуминсоний ташвишлар билан нафас олувчи кишилардир. Улар сиймосида даврнинг, ижтимоий табақа, синфлар ва гуруҳларнинг характерли белгилари умумлаштирилади. Безовталик, руҳий бедорлик, ўзни ўзгалар тақдирига дахлдор туйиш ҳисси уларнинг маънавий қиёфасини белгиловчи нуқталардир. Бу қаҳрамонлар чучмал бахтдан чўчиб яшайдилар, жўн енгил-елпи ҳаёт бағрида диққинафас бўлиб, ўзларини қўл-оёғи кишанланган сезадилар.

Автор тасвирда воқеликнинг бутун мураккаблиги ва кўламдорлигини бериш, хатти-ҳаракат ва кечинмаларнинг ҳаётийлигини сақлаб қолиш мақсадида ўрни-ўрни билан ҳикоя қилиш ҳуқуқини у ёки бу қаҳрамонга ишониб топширади. Доктор Суҳайл, Сардор, Хайриддин бува, Ғуломали, Шоиста тилидан берилган ҳикоялар асарга оҳангдорлик ва алоҳида жозиба бахш этиб турибди. Тасвир марказларини бу тарзда тез-тез ўзгартириб туриш диққат-эътиборни ҳамиша энг қизғин моментларга қаратиш, уларни муайян меъёрда батафсил тасвирлаш имконини берган.

«Чорраҳа» романида детективлик фалсафий-публицистик мушоҳадакорлик билан, романтик кўтаринкилик реалистик батафсиллик билан ажиб тарзда қоришиб, уйғунлашган. Саргузаштлар баёнидан сездирмай умумлашма хулосаларга келиш, бафуржа беллетристик деталлаштиришдан кўтаринки тантанавор баёнга қийналмай ўтиш — ана шуларнинг барчаси романнинг интонацион картаси сержило, ҳам яхлит бўлишини таъминлаган омиллардир.

Адибнинг бошқа романларида бўлгани каби «Чорраҳа»да ҳам қаҳрамонларни мураккаб ҳаётий ситуацияларда, воқеликнинг авж нуқталарида, тарихий жараённинг кескин бурилиш моментларида тасвирлашга мойиллик сезилади. Қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли сон-саноқсиз чорраҳалардан иборат. Адиб афғон халқи вакиллари, шунингдек, совет олимлари Собир, Манзуралар тақдирини ҳам ана шу чорраҳалар фонида тадқиқ этади. Уларнинг тўғри йўлни танлаш жараёнларини синчков кузатади. Қаҳрамонларга қандайдир йўллар билан тазйиқ ўтказиш, улар тақдирини бир ёқлама тарзда узил-кесил ҳал қилишдан, воқеликни жўнлаштириб, дастлабки ютуқлар йўлини силлиқлаштиришдан ўзини тияди. Албатта, бу асар асосида ётган ҳаётий воқеликнинг ҳали узил-кесил тарихга айланмагани, шунингдек, авторнинг бу жараён узлуксизлиги, давомийлигини таъкидлаш нияти билан узвий боғлиқдир. Жумладан, асар бошидаёқ асосий қаҳрамонларни қийнаган муаммо — Чорданаҳр, Сангкоса қурилиши даврнинг нотинчлиги сабаб орқага сурилади. Роман охирида эса иш бошлашга энди тараддуд кўрилаётгани айтилади, холос. Дўстлик кўпригининг очилиши картинаси режалаштирилган ишларнинг порлоқ истиқболидан дарак берувчи бадиий воситага айланган. Ҳа, роман қаҳрамонлари ҳамон йўлда, олдинда ҳали не-не чорраҳалар бор, аммо ўқувчи уларнинг тўғри йўлни танлай олишларига ишонган ҳолда романни ўқиб тугатади.

Умумсовет прозасида кечаётган ўзгариш ва мавжуд тенденцияларни ўзида акс эттирган бу ажойиб асарда, назаримизда, янада аниқлаштирилиши, чуқурлаштирилиши зарур бўлган нуқталар ҳам бор. Айниқса, Саври инқилобини амалга оширган кучлар табиатини бадиий жиҳатдан янада тўлақонлироқ тадқиқ этиш зарурга ўхшайди. Инқилоб ҳал этувчи паллага кирганида, бош қаҳрамон — Собир асосий воқеалардан узилиб, ватанига қайтади. Шунга қарамай, асарда қўлланган тасвир услуби мураккаб инқилобий ҳаракатлар панорамасини чизиш учун етарли имконият берган бўларди.

Собир ўз характери, ҳаётий позицияси билан адибнинг аввалги қаҳрамонларидан бири — Аҳмаджон образига яқин туради. Албатта бир ёзувчи ижодида муайян жиҳатлардан ўзаро оҳангдош образлар бўлиши мумкин. Аммо, баъзи ўринларда Собирнинг ўй-кечинмалари, фалсафий хулосалари «Давр менинг тақдиримда» романи орқали бизга таниш картиналарни эсга солади.

«Чорраҳа» романи прозамизни чет эл ҳаёти тасвирланган янги бир саҳифа билан бойитди. Асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

И. ҲАСАНОВ.

*Шарқ юлдузи. 1985. 3—4-сонлари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Тинчлик юришлари ўтказилади

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги бошланди. Ҳафталик халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик учун ҳаракатни активлаштириши лозим. 24 октябрь куни Финляндиянинг 97 шаҳри ва аҳоли пунктларида Ялпи қирғин қуролини тақиқлаш ва ёппасига қуролсизланиш учун «Космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олайлик!», «Кескинликни юмшатиш ва ядросиз шимол учун!» шиорлари остида тинчлик юришлари ўтказилади. Шу куни бутун мамлакатдаги корхоналар ва мактабларда 5 минутли «тинчлик вахтаси» ўтади.

Ҳозир бутун мамлакатда митинглар, йиғилишлар, семинарлар, бирдамлик учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Уларда ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар, турли ёшлардаги ва ҳар хил сиёсий эътиқоддаги кишилар қатнашмоқдалар. Уларнинг ҳаммасини муштарак мақсад — планетани ядро алангасидан сақлаб қолиш муддаоси бирлаштириб турибди. Ҳафталик тадбирларида Швеция, Норвегия, Ҳиндистон, Совет Иттифоқи тинчлик тарафдорларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Дунёда ғоят кескин вазият вужудга келди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилотининг секретари М. Лохикоски. Тўхтовсиз давом этаётган қуролланиш пойгаси космик фазога ёйилиш ва контроллик қилиб бўлмайдиган тус олиш хавфини солмоқда. Шундай шароитда қуролланиш пойгасини дарҳол тўхтатиш учун курашда планетадаги барча тараққийпарвар кишиларнинг бирлиги зарур, деб таъкидлади у.

ИРҚЧИЛАР ҚИЛГАН ЁВУЗ ҲУЖУМЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

ЛУАНДА. Ирқчи ЖАРнинг агрессияси натижасида Анголага етказилган зарарни ўрганувчи БМТ комиссиясининг раиси М. Комил (Миср) бу ерда Претория режими томонидан эълон қилинмаган уруш объекти бўлиб қолган Ангола халқининг кулфатлари нақадар катта эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик, деди. Етказилган моддий зиённинг умумий миқдори ҳали белгиланганн йўқ, деб уқтиришди делегация аъзолари. Маълумки, 1980 йил Жанубий Африкалик диверсантлар Бенгела вилоятида қилган кўпорувчилик натижасидагина республикага 20 миллион долларлик зиён етказилган эди. Ўшанда 15 та локомотив ишдан чиқарилган, ёнилғи мойлаш материаллари солинган 6 цистерна, Лобиту портидаги нефть омбори портлатилганди.

БМТ комиссияси Ангола мудофаа министри П. М. Тонья, қурилиш министри Ж. Э. Варела ди-Мелу Диаш Флора ва социал масалалар билан шуғулланувчи давлат секретари Р. Душ Сантуш билан учрашди. Улар халқаро жамоатчилик вакилларига республика ўз суверенитетини ҳимоя қилиш учун сарфлашга мажбур бўлаётган маблағлар тўғрисида ахборот бердилар. Шунингдек вайрон этилган халқ хўжалик объектларини тиклаш ва ирқчиларнинг агрессиясидан азият чеккан аҳолини нормал ҳаётга қайтариш учун зарур бўлган ёрдам миқдори ҳақидаги маълумотларни айтдилар.

● Маданият янгиликлари

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

ВАРШАВА. Польшанинг Белосток шаҳридаги қўғирчоқ театри янги мавсумни А. С. Пушкин асари асосида саҳналаштирилган «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» пьесасининг премьераси билан бошлади. Режиссёр С. Ефремов раҳбарлигидаги совет Украинаси пойтахти қўғирчоқ театрининг ижодий группаси польшалик артистларнинг саҳнада эртакдаги образларнинг ажойиб оламини яратишларига кўмаклашди.

Шу йилнинг ноябрида Белостокдаги театр коллективи рус ва совет санъатининг умумпольша фестивалида янги постановкани намойиш қилади. Фестиваль Силезиянинг энг катта индустриал ва маданий маркази — Катовицада ўтказилади.

Франция. Сержи шаҳри яқинидаги вокзалда Европадаги энг катта соатлар вақтни кўрсата бошлашди [суратда]. Уларнинг циферблатлари диаметри 10 метрга етади.

АП-ТАСС телефотоси.

СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИГА БАҒИШЛАБ

БЕЛГРАД. Совет ва Югослав жангчилари Югославия пойтахтини озод қилганлигининг 41 йиллигига бағишланган «Белград операцияси: сўз унинг қатнашчиларига» китоби босмадан чиқарилди. Пойтахтдаги ҳарбий нашриёт чоп этган бу ҳужжатли тўплам икки армия жангчилари фашист босқинчилари билан жангларда оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, елкама-елка туриб жанг қилган Белград аҳолиси ўз халоскорларини зўр хурсандчилик ва чуқур миннатдорчилик билан кутиб олган уруш йиллари воқеаларини қайта гавдалантиради.

ЮСФР пойтахтида ана шу китоб босмадан чиқарилганлигига бағишланган йиғилишда бу асар Белград учун олиб борилган жангларда мардларча ҳалок бўлган ва жасорати ҳеч қачон унутилмайдиган совет ва югослав жангчиларига ўзига хос абадий ёдгорлик бўлиб қолади, деб уқтириб ўтилди. Жанглар қатнашчиларининг эсдаликлари ёш авлодга тинчлик учун, планетанинг бахтли ва ёрқин келажаги учун курашда куч-ғайратни аямасликка даъватдир.

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Буйруқбозлик кучайтирилмоқда

Сеулда халқаро реконструкция ва ривожланиш банки ҳамда халқаро валюта фондининг 40-сессияси бўлиб ўтди. Ривожланаётган мамлакатларнинг ғарб давлатларидан қарзи тинмай ортиб бораётганлиги тўғрисидаги кескин муаммо сессиянинг диққат марказида бўлди. Бу қарз ҳозирдаёқ мислсиз миқдорга — бир триллион долларга етди. Бундай қарздорлик Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг молиявий ресурсларини путурдан кетказмоқда, уларнинг кўпини иқтисодий ҳалокат ёқасига сургаб, қолоқлик, қашшоқлик ва очлик проблемаларини кескинлаштирмоқда.

Озод бўлган давлатлар ташқи қарз ботқоғига ботаётганлиги империалистик давлатлар, аввало, АҚШ, уларнинг миллатлараро корпорациялари ваҳшиёна янги мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Кредит ва заёмлар эвазига олинадиган процентлар оширилаётганлиги, савдо-сотиқда камситиш авж олдирилиб, ривожланаётган мамлакатлар хом ашёсига арзимас нарх қўйилаётганлиги, бу ерларга келтириб сотилаётган саноат моллари нархи эса тинмай оширилаётганлиги, капиталистик монополиялар ваҳшийлик қилаётганлиги бу мамлакатларнинг қарзга ботишига асосий сабаб бўлмоқда.

Сеулдаги сессия ғарбнинг етакчи давлатлари, аввало, АҚШ иқтисодий буйруқбозлик сиёсатини давом эттириш ниятида эканлигини намойиш қилди. АҚШ гўё ривожланаётган мамлакатлар қарз юкини енгиллаштиришга даъват этилган ташаббус билан чиқиб, уларга қарз эвазига процент тўлаш учун уч йил мобайнида 20 миллиард доллар миқдорида «имтиёзли» кредит беришни ваъда қилди. Бироқ бунинг учун улар олдига экономикадаги давлат секторини кескин қисқартириш, импорт чекловини бекор қилиш ва чет эл капитал маблағлари учун чекланмаган имкониятлар бериш шарти қўйилди. Бошқача қилиб айтганда, АҚШ ўзининг кейинги вақтда авж олиб кетган иқтисодий чигалликларини Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари ҳисобига ўнглаб олиш ниятида эканлигини кўрсатди.

Бундай буйруқбозлик йўли ривожланаётган мамлакатлар вакилларида норозилик туғдирди. Улар ғарб давлатларини ривожланаётган мамлакатларда қолоқликка барҳам бериш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашадиган адолатли халқаро янги иқтисодий тартиб ўрнатиш соҳасида қадам қўйишга даъват этмоқдалар.

Сеулдаги сессияда Вашингтоннинг шериклари ҳам унинг бузғунчилигига қарши чиқдилар. Улар Қўшма Штатлар банк ҳисоб ставкаларини, долларнинг қадрини ошириш, савдо-сотиқда камситишни авж олдириш йўли билан Ғарбий Европа ва бошқа мамлакатларнинг экономикасига путур етказаётганлиги учун уни танқид қилдилар. Сеулдаги сессия жиддий келишмовчиликлар мавжудлиги сабабли амалда самарасиз тугади.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИ

НЬЮ-ЙОРК. Америкалик тинчлик учун машҳур курашчи, қўшиқчи ва композитор Дин Рид ўзи туғилиб ўсган Колорадо штатида ўзини бунчалик кутиб олишади, деб ўйламаган эди. Ҳозирги вақтда ўз оиласи билан ГДРда яшаётган Рид шу кунларда Денверда ўтаётган халқаро кинофестивалда қатнашиш учун келган эди. АҚШ режиссёри Уилл Робертс яратган «Америкалик қўзғолончи» ҳужжатли фильми конкурс картиналари орасидан жой олган. Унда ўз санъатини тинчлик ишига, социал тараққиёт ва халқлар ўртасида дўстликка хизмат қилишга бағишлаган Дин Риднинг ёрқин ва беназир ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилинади.

Енгилмас учлик

Халқаро шашка бўйича «Тошкент тонги-85» бутуниттифоқ аёллар турнирида 14 спортчидан бештаси мағлубиятсиз ўйнаб келаётган эди. Бироқ ҳал қилувчи ўнинчи турда уларнинг сони учтага тушди. Мана у қандай бўлди. Киевлик Нина Янковская тошкентлик Вера Савельева билан бўлган беллашувда ҳужумга зўр берди. Ўйин ўртасида у комбинация уюштираман деб чалғиди. Бу билан Н. Янковская рақибининг қарши ҳужум уюштиришга имконияти борлигини унутиб ҳам қўйди. Натижада Янковскаянинг кечикиб қилинган ҳимояси самарасиз тугади ва мағлубиятга учради.

Озода Аҳмедова — Зоя Садовская баҳси ғоятда кескин кураш остида ўтди. Бу учрашувда З. Садовская ташаббусни қўлга олиб марказдан ҳужум қила бошлади. Бу эса рақибини чекинишга мажбур этди. Сўнг аста-секин минсклик спортчининг устунлиги аниқ бўлди ва у ғалаба қозонди.

Шу кунгача турнирда рус шашкаси бўйича СССР экс-чемпиони Людмила Петрова «ўз ўйинини» топа олмаяпти. СССР вице-чемпиони киевлик Ольга Беляева билан бўлган беллашувда у яна ноаниқликларга йўл қўйди ва мағлубиятга учради. Мамлакатимиз экс-чемпиони харьковлик Алла Хоруженко аста-секин очколар сонини кўпайтирмоқда. У навбатдаги баҳсда чирчиқлик Гавҳар Норбекова билан бўлган учрашувда ғалабага эришди. Бу эса унга турнирда етакчилик қилиш имконини берди. Уфалик Татьяна Огородникова ва свердловсклик Татьяна Тетеринапарнинг кураши қарийб олти соат давом этди. Муросасиз кураш остида ўтган бу учрашувда Татьяна Тетерина аввал мавқеян, сўнг эса моддий устунликни қўлга киритди. Т. Огородникованинг ярим очко олиш учун ўйинни дуранг билан тугатишга қилган барча ҳаракатлари зое кетди ва у енгилди.

Бу турда Нижний тагиллик Татьяна Моржаедова ва ленинградлик Елена Мартьяновалар учрашувигина фақат дуранг билан тугади.

Шундай қилиб, «Тошкент тонги-85» турнирининг ўн тур ўйинларидан кейин турнир жадвалида А. Хоруженко 5,5 (саккизта ўйинда), Е. Мартьянова ва Т. Моржаедова —5,5 тадан (тўққизта ўйинда), О. Аҳмедова, О. Садовская, З. Садовская ва Т. Тетерина —5 тадан (тўққиз ўйинда), Н. Янковская —4,5 (саккиз ўйинда) очко тўплаб пешқадамлик қилишмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР, мусобақанинг бош судьяси, халқаро классдаги судья.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Байрамга ҳозирлиқ кўриш вақтида ҳар бир уй бекасининг ҳам юмуши ортиб кетади. Ана шундай пайтда кулинария усталари уларнинг юмушини енгиллатишади.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ҚОРХОНАЛАРИ

1985 ИИЛ 25 ОКТЯБРЬ, 1, 2, 3, 4, 5,6 НОЯБРЬ КУНЛАРИ

А. НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР ОЛДИ МАЙДОНИДА ПАРРАНДА, ГЎШТ, БАЛИҚ, ҲАМИР, САБЗАВОТДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР, ШУНИНГДЕК КУЛИНАРИЯ ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

КЎРГАЗМАДА ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ, КУЙБИШЕВ, КИРОВ, ЛЕНИН, ФРУНЗЕ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТЛАРИНИНГ КОРХОНАЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

Бундан ташқари соат 9.00 дан 20.00 гача Дзержинский номли майдонда ҳам савдо-кўргазмалари ишлайди.

Ресторанлар жойлашган районларда, жумладан Чилонзор савдо маркази яқинида — Чилонзор ва Акмал Икромов район ошхоналар трестлари Қорақамиш массивида — Собир Раҳимов район «Москва» меҳмонхонаси ёнидаги майдонда — Октябрь район, Авиасозлар шаҳарчасидаги сабзавот ярмаркасида — Ҳамза район ошхоналар трестлари савдо кўргазмалари ташкил этади.

Байрам олди кунлари кулинария ва ярим фабрикат магазинлари соат 22.00 гача ишлайди. Ресторан ва кафелар байрам олди ва байрам кечалари, тўйлар ҳамда бошқа тантаналарни ўтказиш ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан шахсий, чунончи коллектив заявкалар қабул қилади.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ СИЗЛАРНИ 1985 ИИЛ 7, 8, 9 НОЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 12.00 ДАН 16.00 ГАЧА ШАҲАРНИНГ БАРЧА РЕСТОРАНЛАРИДА ЕЗИЛАЖАК ОИЛАВИЙ ДАСТУРХОНЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ТВ

ЖУМА

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

18.30 «Фан ва турмуш».
19.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.05 «Телетомошабинларнинг талабларига биноан». «Қишлоқ изқуварн». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Е.Светланов. «Қишлокда кунлар ва тунлар». Сюита.
18.55 «Ўсмирликлар дунёси».
19.40 «Мўъжизалар майдони». Цирк коллективларининг чиқиши.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Музикали танаффус (БХР).
21.20 «Белокуриха». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Салом, дўстим!» Қозоғистон ва Болгария телевидениеларининг Р. Римбаева ва О. Горанов иштирокидаги музикали кўрсатуви.
23.00 «Шаҳар боғида». Телефильм.
23.10 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов» — «Спартак». 2 ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. .
18.15 «Ҳаёт каби тирик».
18.45 «Ақиқлар ҳақида ҳикоя». Телефильм.
19.00 «Стандартлаштириш ва илмий-техника тараққиёти» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.05 «Гулла яшна, қўриқ ер». Задарё район бадиий ҳаваскорлари ҳақида киноочерк.
20.30 «Ахборот».
20.55 СССР Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар» (такрорий).
19.15 «Бу ер менинг масканим». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «О, муҳаббат». Музикали комедия (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА

26 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Орга» халқ рақс ансамблининг концерти.
10.10 «АБВГДейка».
10.40 «Товарлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари, реклама».
11.10 «Опера саҳнаси усталари».
11.45 «Вена мотивлари». Киноочерк.
12.00 «Москвичка» телеклуби.
13.20 «Первоз давом этмоқда». Телефильм.
14.15 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Хотиралар, хотиралар» (Франция).
14.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 «Инсон. Ер. Коинот».
16.10 «Плевень — дўстлик шаҳри, шон-шуҳрат шаҳри».
16.25 «Кимнинг кўчасида байрам?» Озарбайжон ССР Сумгаит шаҳри маданий-спорт комплекслари ҳақида.
17.10 Кичик концерт.
17.25 «Ҳайвонот оламида».
18.25 Ю. А. Жуков суҳбати.
18.55 «Арафа». Телевизион бадиий фильм премьераси. И. С. Тургеневнинг шу номли романи мотивлари асосида. 1 ва 2-серия-лар.
21.30 «Время».
22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевикторина. Танаффус пайтида (22.50) — Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Ҳунардан бахт унар». Телефильм премьераси.
10.05 «Тонгги почта».
10.35 СВЕРДЛОВСК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.50 «Сиз яратган боғ».
12.20 «Саёҳатчилар клуби».
13.20 «Люся». Телевизион бадиий фильм.
14.30 «Стадион ҳамма учун».
15.00 «Сиз оташқалб инсонсиз». К. И. Чуковскийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида телефильм.
16.05 «М. И. Глинка. Романслар». Фильм-концерт.
17.15 «Тўртинчи дада». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
17.50 «Генерал Карбишев». Илмий-оммабоп фильм.
18.05 И. Жинович номли БССР Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.35 «Здоровье».
19.20 «Фестивеллар... Конкурслар... Концертлар...»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — «Спартак» (Ленинград).
21.30 «Время».
22.05 «Олег ва Айна». Телевизион бадиий фильм.
23.25 Велобол бўйича халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
23.50 Болгария бадиий коллективлари иштирокида концерт.

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.00 «Тонгги тароналар».
8.10 Врач маслаҳати. «Қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнати гигиенаси» (рус.).
8.20 «Бу ранг-баранг бўёқлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
8.30 «Ахборот».
8.55 «Келажакка хилоф». Ҳужжатли фильм.
9.55 «Ўзбекистон спорти».
10.25 Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди олдидан. «Адабиёт ва замонавийлик» (рус.).
11.05 «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак».
11.35 Автомобиль транспорти ходимлари кунига. «Йўл азоби». Бадиий фильм.
13.05 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун концерт.
18.35 «Эртага — Автомобиль транспорти ходимлари куни» (рус).
19.00 «Ота-оналар университети».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.55 Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик экрани». Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. Душанбадан олиб кўрсатилади.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 16.05 МТ II
17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 «Янгра, қўшиғимиз!»
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ижод саҳифалари». Низомий Ганжавий.
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.30 «Съезддан съездгача». Ленинобод области.
20.30 «Ахбор».
20.55 Концерт.
21.30 МТ II

МОДА-85

«ҚИЗИЛ ТОНГ» МАРКАСИ БИЛАН

СИЗ СУРАТДА КЎРИБ ТУРГАН ПАЛЬТО ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН.

БУ МОДЕЛЛАР ҚАТОР ФАЗИЛАТИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ:

— конструкцияси ўзига хос тузилган.
— газламасининг туси ранг баранг,

безаклари ва деталлари модабоп қилиб ишланган

Мактабгача ёшдаги қиз болалар учун аталган пальто ёркин тусли катак-катакли жун газламадан тикилган. Қомати паст томонга қараб кенгайтирилган, тугмача ўрнида боғичли қадамаси ассиметрик жойлаштирилган, орқа елкаси жим-жимали, енги эса манжетлик полуреглан ҳолида тикилган.

РАЗМЕРИ 52-60. БАҲОСИ — 25 сўм.

Ўсмир қизлар учун эса ранги ва туси ранг-баранг бўлган катак-катакли бўлган жун газламадан тикилган пальто яратиб туради. Бу либоснинг модали қомати ўзига хос гўзалликни яратган. Бу пальто биқин томони чоксиз бўлиб енги чокли, пастки қисмида безак бор.

РАЗМЕРИ 84-96. БАҲОСИ 43 СЎМ 90 ТИЙИН.

Ранг-баранг тусдаги сидирға рангли жун газламадан тайёрланган пальто ўсмир қизлар га ярашиб туради. Бу либоснинг қомати пастга қараб кенгайтирилган, елка қисмида сунъий чармдан безаклар бор.

РАЗМЕРИ —84-96. БАҲОСИ —46 СЎМ.

Ўрта ёшдаги аёлаклар учун сидирға рангли жун газламадан тикилган пальто аёлаги ярашиб туради. Қомати тўғри бичиқли енги регланли, белида жим-жимали чоки бор, ҳамённинг қопқоғи чоки-безакли.

РАЗМЕРИ 84-104. БАҲОСИ —120 СЎМ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ (телефон 41-54-28).

«Электроника» маркали микрокалькулятор бехато ҳисоблайди



Бу маркали калькуляторлар тўртта арифметик амал: қўшув, айирув, кўпайтирув, бўлувни ҳисоблагина қолмай балки квадратнинг илдизини чиқаради, процентлар билан ҳисоблайди, даражага кўтаради, тескари миқдорни ҳисоблайди, константа билан мисолларни ечади ва бошқа қатор мураккаб ҳисоб-китоб ишларини бажаради.

«ЭЛЕКТРОНИКА БЗ-36», БЗ-38» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ мураккаб инженерлик ва илмий-техникавий ҳисоб-китобларни бажариш учун мўлжалланган.

«ЭЛЕКТРОНИКА МК-51» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ оддий математик ҳисобларни бажариш учун мўлжалланган.

«ЭЛЕКТРОНИКА МК-44» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ иқтисодий ҳисоб-китобларни тез ва аниқ бажаради.

МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАР УЙДА, ИШДА, МАКТАБ ВА СТУДЕНТЛИК АУДИТОРИЯЛАРИДА, СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА, ХИЗМАТ КОМАНДИРОВКАЛАРИДА ЖУДА ҲАМ КЕРАК.

СИЗ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДАН «ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЛИ МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
ГУМ (телефон 42-27-39).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг
Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ремонт-техника участкасининг бошлиғи, энергия-механика бўлимининг бошлиғи, буғ таъминоти участкасининг бошлиғи, электр таъминоти участкасининг бошлиғи, 1 ва 2 категорнядаги инженер-конструктор, қўйиш, қуритиш ва қадоқлаш цехларининг инженерлари, вентиляция бўйича катта мастер, совутиш таъминоти системаси бўйича катта мастер, ёнғин хавфсизлиги бўйича инженер, электр таъминоти бўйича катта мастер, 5 ва 6 разрядли электр монтёрлар, лифтлар бўйича электр механиклар, техника назорати ва капитал қурилиш бўлими катта инженерлари, иссиқлик-механика асбоб-ускуналари ремонти бўйича бригадир, электр монтажчилар бригадири, химия ва медицина аппаратураларининг 5 ва 6 разрядли слесарь-ремонтчилари, 5 ва 6 разрядли слесарь-сантехниклар, телефон алоқасининг 5 разрядли электр монтёрлари, 3 ва 5 разрядли навбатчи электриклар, КИПнинг 5 ва 6 разрядли электр слесарлари.

ҲАМЗА РАЙОН УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

буфетчилар, кассирлар, ошпаз-бригадирлар, ошпазлар, бухгалтерлар.

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

бронловчилар, эшувчилар, устидан ўраб тўқувчилар, контролёрлар, прессловчилар электриклар, слесарлар, сантехниклар, симларни ўровчилар.

Ихтисосга эга бўлмаган кишилар уни бевосита ишлаб чиқариш жараёнида эгаллашлари мумкин. Меҳнатга ҳақ ишбай мукофот тарзида тўланади. Махсус хизмат автобуси қатнайди. Мактабгача болалар муассасалари ишлаб турибди. Бўғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР, ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ —Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ— У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ —2-квартал, 3-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ— К. Маркс кўчаси, 59-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

«ПРИБОРЛАР» САЛОНИДА

29 ВА 31 ОКТЯБРЬ СОАТ 10.00 ДА

«ЭЛЕКТР МИҚДОРЛАРНИНГ ЎЛЧОВ УСКУНАЛАРИ. ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ, КЎРСАТУВЧИ ПРИБОРЛАР. ИККИ КАНАЛЛИ ДИСКРЕТ-АНАЛОГЛИ ГАЗРАЗРЯДЛИ ИНДИКАТОРЛАР БАЗАСИДА ИШЛОВЧИ КЎП КАНАЛЛИ ОПТО ЭЛЕКТРОНЛИ ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ. МИКРОЭЛЕКТРОНИКА БАЗАСИДА ИШЛОВЧИ ЯНГИ РАҚАМЛИ ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ» **мавзуида**

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛАДИ

Докладчилар: ВИТЕБСК ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ЗАВОДИ, ОМСК «ЭЛЕКТРОТОЧПРИБОР» ЗАВОДИ, ЛЬВОВДАГИ «МИКРОПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, КИЕВДАГИ «ТОЧЭЛЕКТРОПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЗАВОДИ ВА ЖИТОМИР «ЭЛЕКТРОИЗМЕРИТЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МУТАХАССИСЛАРИ.

Барча қизиққан мутахассисларни семинар ишида қатнашишга таклиф қиламиз.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 2-уй.
Справкалар учун телефон: 78-02-38, 78-40-43.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —27/X да **Гўзал Василиса** (12.00), **Флорня Тоска** (20.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —25/X да **Парвона**, 26/Ҳда **Юлдузли тунлар**, 27/X да **Зебуннисо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —25/X да **Олифта**, 26/X да **Узилган торлар**, 27/X да **Ешликда берган кўнгил**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Т. Трофимова раҳбарлигидаги иллюзион-музикали ревю гастроллари (19.30).

кино

25 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — **Санъат саройи** (жуфт соатларда, телефонлар: 44-21-34, 44-31-44, 44-21-74), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ТОМОШАБИНЛАР ЭРКАТОЙИ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПАЛЕРМОДА ЮЗ КУН»— **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (17, 20.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ШАФҚАТСИЗ РИНГ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«МЕН САЙЛАГАН ОДАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«РАҚИБЛАР» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

26, 27 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — **Санъат саройи** (жуфт соатларда, телефон 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ТОМОШАБИНЛАР ЭРКАТОЙИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«МЕН САЙЛАГАН ОДАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти томонидан **Шодиев Тўлқин Иргашевич** номига берилган 825246 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон КП Акмал Икромов район комитети ва халқ депутатлари Акмал Икромов район Советининг ижроия комитети 12-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори Ш. Ш. Муродовга рафиқаси

Азиза МУРОДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—14101. А —2247. Индекс 64690 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10